



ЭРКИН АЪЗАМ ИЖОДИДА ГРАДАЦИЯНИНГ ЛИНГВОПОЭТИК ТАБИАТИ ВА ИФОДА ИМКОНИЯТЛАРИ

Тошхужаева Шоирахон Ғаниевна
Қўқон давлат университети доценти

Annotatsiya: Ushbu maqolada Erkin A'zam asarlarida qo'llangan gradatsiyaning lingvopoetik xususiyatlari tahlil qilinadi. Gradatsiyaning mantiqiy, emotsional va miqdoriy turlari badiiy matn misollarida yoritilib, ularning qahramon ruhiyati, ichki kechinmalari hamda muallifning estetik munosabatini ifodalashdagi o'rni ochib beriladi.

Tayanch so'zlar: gradatsiya, lingvopoetik tahlil, ekspressivlik, emotsionallik, mantiqiy gradatsiya, emotsional gradatsiya, miqdoriy gradatsiya, badiiy matn, qahramon nutqi, individual uslub.

Аннотация. В данной статье анализируются лингвопоэтические особенности градации в произведениях Эркина Азама. На примерах художественных текстов рассматриваются логическая, эмоциональная и количественная разновидности градации, раскрывается их роль в передаче внутреннего мира персонажей, их психологического состояния и выражении эстетического отношения автора.

Ключевые слова: градация, лингвопоэтический анализ, экспрессивность, эмоциональность, логическая градация, эмоциональная градация, количественная градация, художественный текст, речь персонажа, индивидуальный стиль.

Abstract: This article analyzes the linguopoetic features of gradation in Erkin A'zam's works. It examines the logical, emotional, and quantitative types of gradation through examples from literary texts and highlights their role in portraying the characters' inner world, psychological state, and the author's aesthetic attitude.

Keywords: gradation, linguopoetic analysis, expressiveness, emotionality, logical gradation, emotional gradation, quantitative gradation, literary text, character speech, individual style.

Фикр тилнинг энг муҳим элементларидан бири ҳисобланган сўз ва грамматик воситалар натижасида юзага келади ва шу билан бир қаторда, у ҳис-туйғу ифодалаш учун хизмат қиладиган "руҳий, эстетик ҳодиса"[5.10] саналади.

Инсон руҳиятига таъсир этиб, унинг ҳис-туйғуларини жунбушга келтирадиган образлилик, тасвирийлик, экспрессивлик ва эмоционаллик каби категориялар белги ва фикрнинг нейтрал ҳолатига нисбатан белгиланади. [1.5]

Поэтик ҳодисалардан саналган градацияда ҳамма вақт экспрессивлик ифодалаш имконияти юқори бўлади. Чунки градациянинг ўзи маънонинг кучи жиҳатидан босқичма-босқич кўтарилиши, даражаланиши демакдир.



Тилшуносликнинг синтактик сатҳида воқеланадиган градация лингвопоэтиканинг ўрганиш объекти бўлган поэтик нутқ ҳодисаларидан биридир.

Эркин Аъзам асарларида градация қаҳрамонларнинг ички кечинмалари, руҳий ҳолати ва муаллифнинг эстетик муносабатини ифодаловчи муҳим лингвопоэтик омил сифатида намоён бўлади.

Адиб градация орқали воқеа-ҳодисаларнинг таъсирчанлигини кучайтиради, бадиий тасвирнинг эмоционал-экспрессив қимматини оширади ҳамда ўқувчи онгида муайян образ ва ҳиссий таассуротни босқичма-босқич шакллантиради.

Шу жиҳатдан, Эркин Аъзам ижодида градациянинг қўлланиши бадиий матннинг мазмун ва шакл уйғунлигини таъминлаш, муаллифнинг коммуникатив мақсадини тўлиқ рўёбга чиқаришга хизмат қилувчи муҳим лингвопоэтик воситалардан бири сифатида баҳоланади.

Маълумки, градация (лот. gradation – босқичма-босқич кучайтириш) бадиий адабиётда қиёслаш, образ, эпитет, метафора ва бошқа тасвирий воситаларнинг кетма-кет кучайиб ёки пасайиб боришидан юзага чиқувчи стилистик фигурадир. Унинг икки: климакс (кўтарилиш) ва антиклимакс (пасайиш) [2.92] турлари фарқланади.

Ифода мақсадига кўра градацияни уч турга бўлиб ўрганиш мумкин: мантиқий, эмоционал ва миқдорий градация.

Мантиқий градация таркибий қисмлар ўртасидаги ифодаланган тушунча ва фикрлар нуқтаи назаридан қаралганда, кўзга ташланувчи нисбий белгилар орқали юзага чиқарилади. [3.14] Бунда таркибида уюшган қисмлар мавжуд синтактик конструкциялар интонацион шаклда аста-секин кўтарила боради ва натижада авж нуқтага етади.

Масалан, Ё алҳазар, ўғил отасига типпа-тик қараб хотин сўраса-я! Элчиев бўлганида уялган, уялиб ўлган, ерларга кириб кетган бўларди. Лекин бу бола... ("Жавоб") Юқоридаги парчадан англашилишича, Э.Аъзам "Жавоб" қиссасида Элчиевнинг ўғлига хос ҳолат, яъни ўзбеклар менталитети ва ахлоқ маданияти доирасига мос келмайдиган тушунчалар берилади.

Ўғлидаги бундай хислатдан номус қилган отанинг руҳий ҳолат ифодаси уюшиб келган лексик (уялган) ва фразеологик (уялиб ўлган ва ерларга кириб кетган) бирликлари натижасида экспрессия мантиқий градация воситаси орқали ифодаланган.

Градация усулининг яна бошқа бир кўринишида ҳис-туйғу тўлқинини ифодаловчи тушунчалар босқичма-босқич тартибда жойлаштирилганлиги сабабли, унга мансуб ҳолатлар эмоционал градация сифатида баҳоланади. Масалан, Элчиев мувозанатини йўқотди, столга муштлаганча шовқин солиб бақирди:



– Эшитсин! Ҳамма эшитсин! Бутун дунё эшитсин! Агар ўғлинг яна ўша ерга қадамини қўйса!..

– Қўяман! – деди Камолиддин камзулини кифтига илиб. – Ҳозироқ бораман!

– Борса-анг... У ёғини айтолмади Элчиев, тили бормади, айтиб юборса – кейин, кейин... У олдидаги пиёлани чангаллаб ўғлига отди.: – Бор, бор, йўқо-ол! (“Жавоб”) Мисолларда қаҳрамон нутқида келтирилган эмоционал-экспрессив ҳолат такрор қўлланган лексик-семантик восита, яъни феъл туркумига оид эшитсин лексемаси билан берилган.

Бунда фикрнинг юқори поғонага кўтарилишида иштирок этган ҳамма олмоши ва бутун дунё сўз бирикмалари иштироки нутқнинг эмоционал ҳолатини янада кучайтиришга хизмат қилган ҳамда эшитиши лозим бўлганлар кўлами аста-секин даражама-даража кенгайтириб борилган.

Миқдорий градация кўринишларида ўзаро мос тушунчалар ҳажми, миқдорининг яққол ўсиб ёки камайиб бориши назарда тутилади. Масалан, Бу жиҳати мендан ўтганмикан деса, Элчиев унақа эмас, табиатан дали-ғули, суюнса – етти маҳаллага жар солгудек, куйинса ҳам бир кун ичига ютади, икки кун ичига ютади, ахийри, очик-ошкор портлайди. (“Жавоб”) Мазкур парчада ҳам адибнинг “Жавоб” қиссаси бош қаҳрамони Элчиевнинг руҳий-психологик характериға хос куюниш ҳолати миқдор семасини ифодаловчи бир ва икки лексемалари ва ахийри-охирӣ замон семасига эға пайт равиши орқали ифодаланган ва бундай фикрнинг миқдорий даражада ўсиб боришини таъминловчи воситалар натижасида эмоционал-экспрессивлик миқдорий градация усули орқали акс эттирилган.

Парчада “ютмоқ” ва “портламоқ” градациялари ҳам мавжуд бўлиб, уларда ҳаракатлар ўртасидаги ички семалар ўзаро қарама-қарши қўйилган. Яъни “ютмоқ” феълда ҳажмнинг меъёрда эканлиги англашилса, “портламоқ” феълда ҳажмнинг танг-торлиги, кенгайишга ёки портлашга мажбурлик семалари ойдинлашади.

Экспрессивликни бадий матн таҳлилиға асосланиб тадқиқ қилганлигимиз боис, ишда “экспрессив-синтаксис” терминини қўллашни маъқул топдик. Чунки матн “суперсинтактик бутунлик” [4.76] сифатида синтаксиснинг текшириш объекти ҳисобланади.

Ушбу воситалар фикрнинг таъсирчан ифодалаши жиҳатидан умумий ҳисобланиб, шулардан образлилик ва тасвирийлик асосан ёзма нутқ, бадий услубға тегишли бўлса, эмоционаллик ва экспрессивлик эса нутқнинг барча услубларига хосдир.

Бундай воситалардан экспрессивлик бадий матнда образлилик, тасвирийликни кучайтириб, фикр таъсир кучининг ортишиға ёрдам берадиган восита ҳисобланади.



Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Абдуллаев А. Ўзбек тилида экспрессивликнинг ифодаланиши. –Т.: Фан. 1983.
2. Квятковский А. Поэтический словарь. М.: "Сов.энц", 1996.
3. Мамазияев О. Ўзбек поэтик нутқида хиазм ва грация. Филол. фан. номз. дисс. Автореф. Фарғона. 2004.
4. Мамажонов А. Сверхфразовое единство как синтактико-стилистическая категория. Журнал "Сов. тюркология.". Баку, 1983, № 6.
5. Маҳмудов Н. Тил. - Т.: "Ёзувчи" нашриёти, 1998.